

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**НОҚУЛАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ВА КАРТОШКА
ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ
БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

ТАВСИЯЛАР

(Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун)



Тошкент - 2022

НИСБАТАН НООДАТИЙ СОВУҚ ВА НАМ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ЭРТАКИ САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ВА КАРТОШКА ЭКИНЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР

Кириш. “Ўзгидрометеорология” хизмати маркази маълумотларига кўра, жорий йил март ойида республиканинг барча ҳудудларида сўнги ўн йилликда рўй бермаган сурункали ёғингарчиликлар кузатилиб, ойлик меъёрдан **3-4 баробар** юқори бўлди.

Бироқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида ёғингарчилик миқдори кўп йиллик меъёр атрофида бўлиб, ҳаво ҳарорати кўп йиллик ҳароратдан анча паст бўлди.

Бу ўз навбатида жорий йил фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий майдонларга эртанги (*февраль-март*) муддатларда экиладиган сабзавот, полиз ва картошка экинларини экиш ишларини кечикишига ҳамда тупроқда ортиқча намликни ортишига олиб келди.

Бугунги экинларни экиш учун ноқулай об-ҳаво ва тупроқдаги намлик шароитида келиб чиқиб ҳамда ҳудуддаги тупроқларнинг ҳар-хил механик таркибга эга эканлигини ҳисобга олиб, эртаки **сабзавот, полиз** ва **картошка** экинларини экиш учун қуйидаги илмий тавсияларга **амалга ошириш лозим**.

Сабзавот экинлари бўйича:

Шўр ювуш тадбирлари. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг хўжаликларида асосий экин майдонлари ўрта ва кучли шўрланганлиги сабабли барча турдаги сабзавот, полиз ва картошка экинларини экишдан олдин тупроқни шўрини ювиш лозим.

*Маълумот учун: ўсимликни асосий илдизлари тарқалган қатламида хлор тузининг **0,015-0,02 %**, сульфат-ионининг (SO_4) **0,2-0,25%**, хлор-ионники (Cl) **0,03-0,04%** меъёрларидан ортиқроқ бўлса ўсимликлар яхши ривожланмайди, ва натижада ҳосилдорлик паст бўлади.*

Зовурсиз шароитида шўр **1-3 марта** ювилади. Агар бир марта шўр ювилса **1,8-2,0 минг** м³/гача меъёрда сув сарфланади ёки **3-5 минг** м³/га икки марта ва **5 м³/га** юқори меъёрда бўлса **3 марта ювилади**.

Ерни экин экишга тайёрлаш. Нисбатан ноодатий совуқ ва нам об-ҳаво шароитида, тупроқдаги намлик ҳаддан ташқари ошиб кетган йилларда тупроқ намлигини камайтириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бунинг учун қишлоқ хўжалиги техникалари ёрдамида майдонларни **14-16 см** чуқурликда чизеллаб чиқилади ва мола босилади.

Молалашдан кейин тракторга культиваторлар билан нишабли майдонларга **70 см** қатор оралиғида, текис ер ости суви яқин бўлган майдонларга эса **90 см** қатор оралиғида экиш эгатлари тортиб чиқилади.

Экинлар экилгандан сўнг уруғларни униб чиқиши ва тупроқда ҳаво айланишини яхшилаш мақсадида култивация қилинади.

Бугунги кундаги шароитдан келиб чиқиб, ҳаводаги ва тупроқдаги намликни ортиши сабаб, ўсимлик касалликларини қўзғатувчи замбуруғ ва бактерияларни ривожланишини олдини олиш учун сабзавот, полиз ва картошка уруғлари экишдан олдин уруғ дорилагич препарат ва иммуностимуляторлар билан ишлов бериш лозим.

Сабзи: Экиш муддати; Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг шимолий туманларида **20 мартдан 10 апрелгача** бўлса жанубий туманларда **10-25 мартда** экиш мақбул ҳисобланиб, уруғ сарфи **5-6 кг/гани** ташкил этади.

Навлар: Мирзои сариқ 304, Нурли-70, Мирзои Қизил 228.

Экиш схемаси: **(50 + 20) 8 см** бўлиб, экиш чуқурлиги **2-3 см**.

Суғориш: Ер ости сувлари чуқур жойлашган **5-6 марта**, ер ости суви юза ерларда **6-7 марта** суғорилади. Суғориш меъёри **550-600 м³/га**.

Ўғитлаш: Азот **220 кг/га**, фосфор **150 кг/га**, калий **50 кг/га** меъёрларда озиқлантирилади.

Пиёз: Экиш муддати; Баҳорги муддат: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг шимолий туманларида **25-15 апрелда**, жанубий туманларда **10-25 мартда** экиш мақбул ҳисобланиб, уруғ сарфи **4-5 кг/гани** ташкил этади.

Навлар: Сунбула, Зафар, Истиқбол, Сибир, Манас.

Экиш схемаси: **(50 + 20) 10 см** бўлиб, экиш чуқурлиги **3-4 см**.

Ўғитлаш: Азот **200 кг/га**, фосфор **150 кг/га**, калий **75 кг/га** меъёрларда озиқлантирилади.

Суғориш: Ўсув даврида минтақаларга қараб ўртача **6-8 марта** суғорилади. Суғориш меъёри **400-600 м³/га**.

Ош лавлаги: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг шимолий туманларида **20 мартдан 10 апрелгача** бўлса жанубий туманларда **10-25 мартда** экиш мақбул ҳисобланиб, уруғ сарфи **14-16 кг/гани** ташкил этади.

Навлар: Диёр ва Бордо. Экиш схемаси: **(50 + 20) 8 см** бўлиб, экиш чуқурлиги **3-4 см**.

Ўғитлаш: Азот **200 кг/га**, фосфор **150 кг/га**, калий **120 кг/га** меъёрларда озиқлантирилади.

Суғориш: Ҳудудларни тупроқ-иқлим ва сув шароитларидан келиб чиқиб, **6-8 марта** суғорилади. Суғориш меъёри **500-600 м³/га** миқдордани ташкил этади.

Укроп: Экиш муддати; Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг шимолий туманларида **20 мартдан 10 апрелгача** жанубий туманларда **10-25 мартда** экиш мақбул ҳисобланиб. Кўклигида

ишлатиладиган укроп уруғи полларга сепилади ва уруғ сарфи **10-12 кг/га**.

Укропни ўтоқ қилиш, ленталар орасини юмшатиш ва суғориш йўли билан парвариш қилиниб, ўртача **2-3 марта** суғорилади.

Ўғитлаш: азот ва фосфор **35-50 кг/га** солинади.

Кашнич: Кашничдан узлуксиз ҳосил олиш учун уруғи қуйидаги муддатларда сепилади: *эртагиси* **1-10 феврал**, *ўртагиси* **1-10 апрелда** экилиб, пол қилиб сепилганда уруғ сарфи **8-10 кг/гани** ташкил этади.

Салат: *Эрта баҳорда* феврал охири март ойининг иккинчи ва учунчи ўн кунлигида; *кузда* сентябрни иккинчи ярми - октябрда экилади. Салат лентасимон **2-3 қатор** қилиб экилади. Ленталар ораси **45-60 см**, лентадаги қаторлар ораси **15 см**. Уруғ сарфи **4-5 кг/га**. Салат тупларининг орасида **8-10 см**, бошли салатда **12-15 см** бўлади.

Петрушка ва баргли карам: *Эрта баҳорда* феврал охири март ойининг иккинчи ва учунчи ўн кунлигида экилиб, уруғ сарфи **5-6 кг/гани** ташкил этади.

Редиска: Экиш муддати. **20-30 март** бўлиб, Экиш схемаси: **40 x 10-15 см**. Уруғ сарфи- **10-12 кг/гани** ташкил этади.

Ўғитлаш: Гўнг **30-40 т/га**, азот **90-100 кг/га**, фосфор **70-80 кг/га**, калий **40-50 кг/га**.

Суғориш: *Шимолий* ҳудудларда **3-4 марта** **4-6 кун** оралатиб суғорилади. Суғориш меъёри **300-400 м³/га**.

Оқ боши карам: Экиш муддати. Эртаги муддат: **20-30 март**.

Экиш схемаси: Эртаги муддатда **70 x 25 (30) см**; ўртаги ва кечки муддатларда **70 x 40 см**; кечки муддатда **90 x 40 см**.

Ўғитлаш: Гўнг **25-30 т/га**, азот **200 кг/га**, фосфор **150 кг/га**, калий **75 кг/га**.

Суғориш: Эртаги муддатда **8-10 марта**, ўртаги муддатда **14-15 марта**, кечки муддатда **10-12 марта** суғорилади. Суғориш меъёри, дастлаб **600-700 м³/га**, кейингилари **450-500 м³/га**.

Ширин қалампир ва бақлажон: Экиш муддати. Уруғни экишнинг муқобил муддати февралнинг **I-II ўн** кунлиги. Кўчатни экиш муддатлари: *шимолий* ҳудудларда апрелнинг **III ўн** кунлиги ва майнинг **I ўн** кунлиги.

Экиш схемаси: Кўчатлар **70 x 30 см** ва **90 x 25 см** схемада экилади.

Ўғитлаш: Гўнг **25-30 т/га**, азот **160 кг/га**, фосфор **120 кг/га**, калий **80 кг/га**.

Суғориш: Ўсув даври давомида **14-15 марта**, **8-12 кун** оралатиб, суғориш меъёри **500-600 м³/га**.

Помидор: Экиш муддати. апрелнинг **II ўн** кунлиги; *ўрта ва кечпишар навлар* учун апрелнинг **III ўн** кунлигидан то майнинг **I ўн** кунлигигача; уруғи билан очик майдонга апрелнинг **II ўн** кунлиги.

Экиш схемаси: Асосан **70 x 25 (30) см** схемасида, текис майдонларда эса **90 x 25 (30) см**, узун палакли навлари учун- **90 x 40 см**, **(140x25-30)2 см**.

Ўғитлаш: Гўнг **30-40 т/га**, азот **180-200 кг/га**, фосфор **140-150 кг/га**, калий **100 кг/кг**.

Суғориш: Дастлаб **9-10 кун** оралатиб, иккинчи-учинчи босқичларда ҳар **6-7 кунда 500-600 м³/га** ҳисобида сув қўйилади.

Бодринг: Экиш муддати. Эртаги муддат: *шимолий* ҳудудларда **20-30 апрел**. Экиш схемаси. **(70 +140) x 40 см**. Уруғ сарфи- **4-5 кг/га**.

Ўғитлаш: Гўнг **30-40 т/га**, азот **150-200 кг/га**, фосфор **150 кг/га**, калий **75 кг/га**.

Суғориш: Эртаги бодринг дастлаб ҳар **7-8 кунда** бир марта, жами **6-8 марта** суғорилади. Ўртаги ва кечки навлар шимолий туманларда **6-7 кун**, Суғориш меъёри, дастлаб **600-700 м³/га**, кейингилари **400-500 м³/га**.

Картошка экиш бўйича:

Уруғни экишга тайёрлаш ва экиш. Экиш учун уруғлик туганакларнинг шакли, ранги ва ўсимталарининг йўғонлигига қараб эътибор билан саралаш мўл ҳосил гаровидир.

Уруғлик туганакларни экишга тайёрлаш вазни **30-80 граммлик** туганаклар бутун, йириклари эса кесиб экилади.

Кесилган ва бутун туганаклар ҳар **3-3,5 тоннаси 100 литр** сувга **5-6 кг** ТМТД ёки Рослин, **2-3 грамм** қаҳрабо кислотаси ва **4-5 кг** аммофос аралаштирилган эритмага ивитилиб, сўнгра экилади.

Уруғларни экиш олдидан **20-25 кун** давомида ёруғ ҳам иссиқ (**12-15 даражали**) хоналарда **2-3 қатлам** қалинликда ёйилиб нишлатилади. Натижада яшил, бақувват **0,5-1,0 сантиметр** узунликдаги ўсимталар ҳосил қилади.

Уруғликни ана шундай нишлатиб экиш мўл ҳосил олишга қаратилган муҳим тадбир бўлиб, натижада картошка ҳосили **18-25** фоизгача ошиб, **10-12 кун** эрта пишиб етилади.

Экиш муддати: Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудларда **20 мартдан 10 апрелгача**, Қолган жанубий туманлар ва Ҳоразм вилоятида **20-30 март**. Экиш схемаси. **70 x 30 см**, **90 x 25 см**. Гектарига **2,5-3 тонна** уруғлик сарфланади.

Ўғитлаш: Гўнг **20-25 т/га**, азот **200 кг/га**, фосфор **150 кг/га**, калий **100 кг/га**.

Суғориш: Сизот суви чукур жойлашган ерларда **6-8 марта**, сизот суви юза ерларда **7-8 марта**. Суғориш меъёри: биринчи суғоришда **700-750 м³/га** ва кейингиларда **450-500 м³/га**.

Полиз экинларини экиш бўйича:

Уруғларни экишга тайёрлаш. Қовун ва тарвуз етиштиришда юқори тоифа ва синфларга мансуб бўлиб, навдорлиги **99%** ва унувчанлиги **90-95% дан** кам бўлмаган уруғ экилади.

Уруғлар экишдан олдин ош тузининг **5%** эритмасида бўктириб ивителиди. Натижада уруғларнинг тўқ ва йирик фракциялари сув остига чўкиб, майда ва пуч уруғлар сув бетига қалқиб чиқади. Сув остига қолган уруғлар олиниб тоза сувга чайқаб нами қочгунча қуритилади. Уруғларни **+40-50 °С** ҳисобида **3-4** соат қиздириб олинса, уруғларнинг касалликларга чидамлилиги ошиши билан бир қаторда оналик гуллар кўпайиб ҳосилдорликнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Уруғларнинг униб чиқиш қобилиятини ошириш учун экиш олдида уларни рухнинг **1%** ли эритмасида **12 соат** ивителиб олинса, ҳосилдорликни **13-14%** га, уруғ чиқишини **8,7%** га ошириши илмий исботланган.

Шимолий ҳудудларида **10-20 апрелда** экиш ишлари бошланади.

Бугунги кундаги ноқулай об-ҳаво шароитдан келиб чиқиб, плёнка-ёпқичларни термос усулидан фойдаланиш энг оддий ва арзон хили ҳамда эртаки юқори ҳосил етиштириш ва иқтисодий самара олиш усулидир.

1 гектар майдонга туннель қуриш учун **800-1000 кг** плёнка, **1200-1300 кг** пўлат сим, **200-250 та** қозиқ ва **20-25 кг** каноп ишлатилади.

Қулай об-ҳаво бошланганда кундузи туннель ён томонларининг бир неча жойидан очиб шамоллатилади.

Экиш муддати: Эртапишар навлар: **20 апрелгача**. Ўртапишар навлар: *шимолий* ҳудудларда **25 апрелдан 10 майгача**.

Экиш схемаси: Қатор оралари **270-280 см** кенг эгат олинади. Экиш схемаси- **(280+70)/2x70 см**, **(270 + 90) /2x70 см**.

Ўғитлаш: Гўнг **30-40 т/га**, азот **75 кг/га**, фосфор **75 кг/га**, калий **50 кг/га**.

Суғориш: Сизот сувини жойлашганига қараб **400-500 м³/га** миқдорида **5-6 мартагача** сув берилади. Эртапишар навлар тупроқ иқлим шароитига қараб **1-2 марта** кам суғорилади.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори

Р.А.Низомов